**БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲ мамлакатларида таълимни ривожлантириш соҳасидаги ўз тадқиқотлари натижаларини жаҳон ҳамжамияти эътиборига ҳавола этди. “Таълим: кимгадир кўп, кимгадир кам” деб номланган ушбу ҳужжатда мазкур минтақалар мамлакатларида таълим соҳасида рўй бераётган жараёнлар ҳар томонлама таҳлил қилиниб, баҳо берилган.**

# ЮНИСЕФнинг таълим соҳасидаги тадқиқотлари натижалари

**Ҳужжатда ЮНИСЕФ томонидан Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимининг ривожланиш даражаси ижобий намуна сифатида келтирилган**

Тадқиқотга мувофиқ, ушбу минтақаларнинг аксарият мамлакатлари 2015 йилгача умумий бошланғич таълимни таъминлаш йўлидан бормоқда. ЮНИСЕФ томонидан бу мамлакатлар қаторига Ўзбекистон, Эстония, Литва, Россия, Словения каби давлатлар ва бошқа мамлакатлар киритилган бўлиб, улар биринчи гуруҳни ташкил этди. Бироқ минтақанинг етти мамлакати, жумладан, Грузия, Қирғизистон, Молдова, Руминия, Тожикистон, Украина ва Хорватия бу масаланинг ҳал этилиши қийин кечаётган мамлакатлар гуруҳидан жой олган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Грузия, Молдова ва Тожикистон ўз олдига қўйган мазкур вазифани муваффақиятли ҳал этиши даргумон.

Ҳужжат муаллифлари қатор мамлакатларда мактабгача таълим муассасаларига қатнаётган болалар сони, ҳаттоки, ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охиридаги даражага ҳам етмаганини қайд этган. Жанубий Европа ва Марказий Осиёнинг баъзи давлатларида бу кўрсаткич атиги 30 фоизни ташкил этади.

Ҳужжатда ЮНИСЕФ томонидан Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимининг ривожланиш даражаси ижобий намуна сифатида келтирилган.

Минтақанинг саккиз мамлакати – Озарбойжон, Арманистон, Босния ва Герцеговина, Грузия, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон ва Туркманистонда ўрта таълим билан қамраб олиш коэффициенти ҳали-ҳануз 50 фоиздан паст. ЮНИСЕФнинг фикрича, 2004 йилда минтақада ўрта ва катта мактаб ёшидаги қарийб 12 миллион бола мактабга қатнамаган. Кичик мактаб ёшидаги болалар орасида эса бу кўрсаткич қарийб 2,4 миллион нафарни ташкил этади.

Айниқса, Тожикистонда бу борада кескин вазият юзага келган. Ушбу мамлакатда баъзи жойларда 9-синфдан кейин болаларнинг 30-50 фоизи ўқишни ташлаб кетмоқда. Тожикистон, шунингдек, Туркияда боланинг жинси – ўғил ёки қиз болалиги бу борада яна бир ҳал қилувчи омилга айланган.

Сўнгги йилларда таълим сифати сезиларли равишда пасайиб кетди. ЮНИСЕФ экспертларининг таъкидлашича, бу ота-оналарнинг фарзандларини мактабга беришига салбий таъсир кўрсатмоқда. Тадқиқот маълумотларига кўра, ўсиб бораётган иқтисодий ва ижтимоий табақалашув болаларни таълимдан тенг фойдаланиш имкониятидан маҳрум қилмоқда.

ЮНИСЕФ экспертлари бу борадаги ижобий тенденцияларни қайд этар экан, Ўзбекистонда мактаблар, коллеж ва лицейларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун катта маблағ ажратилаётганига эътиборни қаратади. Ҳужжатда мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида амалга оширилаётган ислоҳотларга юксак баҳо берилган.

Имконияти чекланган болалар учун таълим муаммоси — тадқиқотнинг яна бир мавзусидир. Ўзбекистонда истиқлол йилларида давлат қарамоғида бўлган ана шундай болаларга муносабат кескин яхшиланганини қайд этилган.

ЮНИСЕФ мутахассислари таълимга йўналтирилаётган катта миқдордаги маблағлар нуқтаи назаридан ҳам Ўзбекистон бошқа мамлакатларга намуна бўлиши мумкинлигини эътироф этган. Муаллифлар тадқиқот якунида «ЮНИСЕФ минтақа давлатлари ҳукуматларини таълим эҳтиёжлари учун харажатларни кўпайтириб, уларни ҳеч бўлмаганда бугунги кундаги 3-4 фоиздан 6 фоизга оширишга даъват этаётган бир пайтда Ўзбекистон ушбу мақсадларга ялпи ички маҳсулотнинг 9 фоизини сарфлаётганини» қайд этади.

**(ЎзА)**

# Ашур ота ва фарзандлари даласида

***Ғузор туманидаги уста деҳқон Ашур ота Мейлиев раҳбарлик қилаётган “Ҳазрат Луқмон” фермер хўжалиги деҳқонлари пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар.***



Биринчи теримда 31 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозиргача 26,5 центнердан хирмон кўтарилди. Ҳосил салмоғи 81 тонна сифатли хом ашёни ташкил этмоқда.

Ишни намунали ташкил этиш, йиғим-терим иштирокчиларини моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш муваффақиятларнинг асосий омили бўлди.

Фермер хўжалигининг юксак “оқ олтин” хирмонига илғор теримчилар Матлуба Равшанова, Марям Тошматова, Фазилат Тўхтаева, Ражабой Мейлиева, Нодира Мирзаеванинг ҳар бири ҳозиргача хирмонга 5-7 тоннадан пахта териб тўкибди.

— Шу кунгача биз пахтачиликдан 32 миллион сўм даромад кўраяпмиз. Бунинг 16 миллион сўми соф фойдадир, — дейди Ашур ота Мейлиев. — Ҳали далаларда ҳосил мўл. Деҳқонлар яна 30 тонна пахта тайёрлаб, ялпи хирмон салмоғини 111 тоннага етказишмоқчи. Бу дегани ялпи даромад 50 миллион сўм бўлиб, шунинг тенг ярми соф фойдадир.

**ЖАРАЁН**

Ашур ота Мейлиевнинг фарзандлари ҳам унинг изидан боришмоқда. Зокир, Мажид, Даврон бугун қишлоқ мулкдорлари. Уларнинг ҳам ҳар бири 30 тоннадан пахта тайёрлаб улгуришди. Мейлиевлар оиласи бу йил биргина пахтачиликдан 100 миллион сўм даромадни кўзлашаяпти.

**Хусан ТЕМИРОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

**СУРАТДА:** *фермер Ашур ота Мейлиев.*
Муродулла КОМИЛОВ олган сурат.

***Қашқадарё вилояти***

# Лойиҳа тараққиётга хизмат қилади

***Мамлакатимизда барча соҳалар қатори аграр тармоқ, хусусан чорвачиликни ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.***

Яқинда БМТ Тараққиёт Дастурининг Тошкентдаги ваколатхонаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамкорлигида жорий этилган янги лойиҳа ҳам айнан шу соҳа ривожига кўмаклашишга қаратилган.

Лойиҳа фермер ва деҳқон хўжаликларида чорва наслини яхшилаш, ветеринария хизматини такомиллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

**Чорвачилик**

Айтиш жоизки, бозор иқтисодиёти шароитида соҳани мунтазам таҳлил қилиб бориш зарурати туғилади. Шу сабабли ҳам мазкур лойиҳа мамлакатимизда чорвачиликнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан шуғулланишни мақсад қилган. Тадқиқотлар доирасига соҳа фаолиятини таҳлил қилиш, хусусан, сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган талабни ўрганиш, озуқа базаси — ем-хашак тайёрлаш тармоқлари ишига баҳо бериш кабилар киради.

Айни дамда илғор чорвачилик хўжаликлари билан ишлар олиб борилмоқда. Уларда ишлаб чиқариш технологияларини қўллаган ҳолда маҳаллий шароитда маҳсулотни қайта ишлашнинг самарали усуллари танланади.

Шунингдек, лойиҳа бўйича бошқа мамлакатларнинг шу соҳага доир тажрибалари ўрганилади. Олинган маълумотларга кўра, бу борада дастлабки қадам ташланган. Яъни, бир гуруҳ мутахассислар Исроилда бўлишиб, тажриба алмашиб қайтишган.

Мутахассислар эътирофига кўра, беш йилга мўлжалланган ушбу лойиҳа бозор иқтисодиёти шароитида чорвачилик соҳасини янада самарали тизимга айлантириш, унинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, фермерларнинг илғор технологиялар ва билимларни ўзлаштиришига кўмаклашади.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**



# YETTI IQLIMDAN BIR SHINGIL

## Янги бош вазир

***Япониянинг Либерал-демократик партияси мамлакатнинг янги бош вазирини тайинлади.***



Партия аъзоларининг 330 та овози билан вазирлар маҳкамасининг собиқ бош котиби 71 ёшли Ятсуо Фукуда яқинда истеъфога чиққан Синдзо Абэ ўрнини эгаллади. Фукуда Дзюнтиро Коидзуми кабинетида уч йил бош котиблик қилиб келган. 2004 йилда вужудга келган нафақа можаролари туфайли лавозимини тарк этган эди. Фукуда аввалги бош вазирдан фарқли ўлароқ қўшни Осиё давлатлари билан алоқани мустаҳкамлаш тарафдори эканлигини айтиб ўтган.

## Рамазондаги яхши амаллар

***Исроил ҳукумати 90 нафар фаластинлик маҳбусларни озод этишини маълум қилди.***



Исроил бош вазири Эхуд Ольмерт Фаластиннинг ФАТҲ ҳаракатига тегишли маҳбусларнинг ҳибсдан озод этилиши фаластинликлар учун Рамазон ойи туҳфаси эканлигини айтиб ўтган. Айрим хабарларга кўра, бундан бир неча кун илгари айни дамда Ғазодаги бошқарувни ушлаб турган ҲАМАС жангари гуруҳи Рамазон ойида вақтинча Исроил билан тинчлик муносабатларини ўрнатишга қарор қилганига расмий Тел-Авив шу тариқа жавоб беришга аҳд қилган.

## Арктика хавф остида

***Арктиканинг музликлари рекорд даражада қисқариб кетган.***

Колорадо университети олимларининг ҳисоб-китобларига кўра, Арктика абадий муз кенгликлари айни дамда 4,13 миллион квадрат километрни ташкил этмоқда. 2005 йил сентябр ойида ўтказилган тадқиқотлар даврида рақамлар 5,32 миллион квадрат километрни кўрсатган эди.

Йилнинг март ва сентябрь ойларида Арктика музликлари эрийдиган давр ҳисобланади. Аммо ҳозирги кунда эриш мавсумининг узайиб бораётгани олимларни ташвишга солмоқда. Арктикада ҳаво ҳарорати охирги йилларда Цельсий бўйича 3 даражагача кўтарилган.

## Blackwater нинг қилмишлари

***Американинг Blackwater хусусий қўриқлаш фирмаси Ироққа ноқонуний қурол-яроғ етказишда айбланмоқда.***



АҚШ федерал прокуратураси ва Пентагон ҳамкорлигида олиб борилган текширувлардан сўнг шундай тўхтамга келинмоқда. Американинг қатор ОАВларида берилган хабарларга кўра, фирма ходимлари ўз ваколатларини суиистеъмол қилган ҳолда лицензиясиз турли русумдаги ўқотар қуролларни Ироқдаги "қора бозор"ларга етказиб келишган. Ушбу қуроллар жангарилар қўлига тушгани ҳам таъкидланмоқда.

Бундан бир муддат илгари фирманинг айрим ходимлари Ироқдаги 10 нафар тинч аҳоли вакилларининг умрига зомин бўлишгани тўғрисида хабарлар тарқалган эди.

## Хиёбондаги қўпорувчилик

***Косово пойтахти Приштин марказида қўпорувчилик содир этилди.***



Шаҳарнинг гавжум кўчаларидан бирида жойлашган Билл Клинтон булварида қолдириб кетилган портлатиш мосламасининг ҳаракатга келиши оқибатида 2 нафар одам ҳалок бўлган. Ўндан зиёд одам тан жароҳати олган. Айни дамда ўлкада хавфсизлик чоралари кучайтирилган. Сербия таркибига кирувчи мухтор ўлка — Косово БМТ маъмурияти назорати остида бўлиб, у ерда НАТО ҳарбий контингенти хавфсизликни таъминлайди. НАТО кучларининг ўлкага киритилишига Косово албан ва сербларининг ўзаро тўқнашувлари сабаб бўлган эди.

**Жаҳон матбуоти хабарлари асосида**
**Ш.САНАЕВ тайёрлади.**





Зангиота туманидаги тадбиркор Абдуносир Қосимов раҳбарлик қилаётган "Дентал фил плюс" корхонаси косметика маҳсулотлари, жумладан, уч турдаги тиш тозалаш пасталари ишлаб чиқаради. Яқинда янги Швейцария технологияси – ишлаб чиқариш линиясининг ишга туширилиши маҳсулот ҳажми ва сифатини янада оширди.

**СУРАТЛАРДА:** корхонада иш пайти; тадбиркор Абдуносир Қосимов ва технолог Геннадий Авдонин.

**Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.**

***Тошкент вилояти***

*Фармон берган фаровонлик*

**Касаначилик**

# Ҳунар ўрганиб, ишли бўлишаяпти

***Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида нафақат корхона ва муассасалар, балки аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми учун ҳам туман меҳнат бўлими, яъни бандликка кўмаклашувчи марказ катта наф келтирувчи марказлардан бирига айланиб бормоқда.***

***Бухоролик Гулноза Садриева илгари ширкатда меҳнат қиларди. Ишлаб чиқариш муносабатлари ўзгаргач, вақтинчалик ишсиз қолди. Турли ташкилотлар эшигини қоқиб кўрди. Лекин натижа чиқмади. Иш бор жойларда эса унинг бирор касб-ҳунарни эгалламагани панд берарди.***

– Нима қилиш керак? – ўйларди у. – Аксига олиб, умр йўлдоши иккинчи гуруҳ ногирони. Жўжабирдай жон, тўрт нафар фарзандлари ҳали вояга етмаган. Рўзғор, дегандек...

Хаёл оғушида сал бўлмаса дарвоза тақиллаётганини ҳам сезмай қолибди. Эшикни очганида остонада Ширбуддин маҳалласи фуқаролар йиғини раиси ва шаҳар бандликка кўмаклашувчи марказ бошлиғи турарди.

– Анча вақтдан буён иш қидираётганингиздан хабаримиз бор, – дея гап бошлади оқсоқол. – Сизбоп иш топилди, эртага бандликка кўмаклашувчи марказга борсангиз, у ердагилар ёрдамлашишади.

Маҳалла оқсоқоли ҳақ гапни айтган экан: марказ биноси олдида ўзи сингари 20-30 нафар турли ёшдаги кишилар тўпланиб туришарди. Шу куни у анча вақтдан буён илк бор хурсанд ҳолда остона ҳатлади. "Заркон" масъулияти чекланган жамиятига ишга қабул қилишдан ташқари, шу жойнинг ўзида ҳунар ўргатишадиган бўлишди. Шаҳар бандликка кўмаклашувчи марказга келиб, доимий ишли бўлаётганлар сони йил сайин ортиб бормоқда.

Мамлакатимиз Президентининг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги Фармони шарофати туфайли бу борадаги ҳамкорлик ва янги иш ўринлари яратиш соҳасида саъй-ҳаракатлар кўлами янада кенгаймоқда.

Жумладан, кичик ва ўрта бизнес ҳамда оилавий тадбиркорлик – касаначиликни ривожлантириш ҳисобига сўнгги икки йилда 4,5 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди. Шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналарида янги технологиялар қўлланаётгани ҳам қўшимча 2,5 минг нафар кишига иш ўрни яратишга имкон берди.

Бандликка кўмаклашувчи марказга мурожаат қилаётганларнинг аксарияти шаҳар атрофидаги қишлоқлардан эканлиги учун уларни ихтисослаштиришга, яъни касбга йўналтиришга алоҳида аҳамият қаратилган. Чунончи, аҳолининг касбий таълимга муҳтож бўлган қисмини қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ҳунарманд" уюшмаси орқали уста-шогирдлик мактаби фаолиятига кўпроқ таянилаяпти. Турли соҳа мутахассислари таклиф қилиниб, ёшларга қисқа муддатли касб сирлари ўргатилмоқда.

Шунингдек, "Мадад" оилани ижтимоий ҳимоялаш марказида тикувчилик, зардўзлик каби бир неча турдаги ҳунарлар ўргатилаётган бўлса, "Гулбозор", "Р.Ш.Раҳматова – Зардўз" сингари ишлаб чиқариш корхоналари тасарруфида ҳам ёшлар миллий ҳунармандчиликка ихтисослашган ўнлаб касбларга ўқитилиб, сўнг ишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирмоқда.

Маълумки, Бухорода азал-азалдан ҳунармандчиликнинг энг ноёб соҳалари, яъни кулолчилик, зардўзлик, чилангарлик ва каштачилик жуда кенг ривожланган. Лекин ўтган даврда эътиборсизлик ҳамда миллий маҳсулотларга беписандлик билан қараш оқибатида бетакрор санъатни ривожлантириб бориш, ёшларни улардан баҳраманд қилиш анча сусайганди.

Касаначиликни қайта ташкил этиш ҳисобига ҳозирги кунда деярли барча хонадонларда ана шу соҳалар ривож топди. Масалан, шу йилнинг ўзида шаҳар ва шаҳар атрофидаги 480 та хонадонда миллий ҳунармандчилик асосида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошлади. Хонадонларда меҳнат қилиш истагини билдираётганларга банклардан имтиёзли кредитлар олишга маҳалла ва марказ яқиндан кўмаклашаяпти. Бундан ташқари, уларнинг ҳар бирига меҳнат дафтарчалари очилган.

Ишлаб чиқариш изга тушиб, истеъмол бозори тўлдирилаётгани сари, айрим жуъзий муаммолар борлиги ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Айтайлик, ўтган йилларнинг асорати туфайли бешикчилик, гилам тўқиш, наққошлик, болалар боғчаларида тарбияланаётганларга мўлжалланган турли хилдаги ўйинчоқларни тайёрлаш каби соҳаларда мутахассислар етишмаслиги маълум бўлиб қолди.

Шаҳар ҳокимлиги тасарруфидаги бандликка кўмаклашувчи, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бўлими бошлиғи Х.Акрамовнинг таъкидлашича, бу борада Наманган, Андижон ҳамда Фарғона вилоятлари ҳунармандлари билан истиқболли ҳамкорлик қилинмоқда.

– Водийдан жалб этилган усталарга етарлича шарт-шароитлар яратиб берилган. Айни чоғда 100 нафардан ортиқ ҳунармандлар Бухоро, Ғиждувон, Шофиркон, Қоракўл, Жондор каби туманларда аҳолибоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришаяпти ва одамларни касб сирларидан баҳраманд этишяпти, – деди у.

Президент Фармони ва ҳукумат қароридан сўнг, касаначилик орқали уй меҳнатини шакллантириб, хотин-қизларни фойдали меҳнатга йўналтиришга айниқса эътибор кучайтирилди: кам таъминланган, кўп болали ва вақтинчалик меҳнатга лаёқати бўлмаган 300 дан ортиқ хонадон соҳибаларига ҳомийлар томонидан тикиш-бичиш дастгоҳлари олиб берилди. Ҳозир ана шу хонадонларда 2000 нафарга яқин хотин-қиз болалар кийим-кечаклари, ҳар хил ўйинчоқлар ишлаб чиқаришаяпти. Муҳими, улар қалб қўридан сайқал топаётган барча маҳсулотлар бозорларда харидоргир ва сифатлилиги билан чет элникидан қолишмайди.

Аҳолининг бандлигини таъминлаш ва касаначиликни ривожлантириш соҳасида бу ерда эътиборга молик бир жиҳат бор: яъни меҳнатга лаёқатли ишсиз юрган кишиларни фойдали ишга йўналтиришдан ташқари вояга етмаган ёшларнинг ҳам ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш мақсадида истиқболли дастур ишлаб чиқилган. Бу борада мавжуд мактабларнинг маъмурияти билан яқиндан ҳамкорлик қилинаяпти. Мутахассислар жойларга чиқиб, тарғибот ишларини олиб боришмоқда. Ёшлардан 200 нафари уста-шогирдлик мактабларига йўналтирилди. Уларнинг ҳунар ўрганиш жараёни, иш билан таъминланиши меҳнат инспекторларининг назоратида.

Шундай бўлса-да, гап касаначиликни ривожлантириш йўли билан аҳоли бандлигини таъминлаш борасида бораркан, бу соҳадаги айрим лоқайдликларга ҳам эътибор қаратишга тўғри келади. Йилнинг ўтган ойларида ишсизликка барҳам бериш ва хизматлар кўрсатиш сифатини янада яхшилаш бўйича ўз таклиф-мулоҳазаларини билдиришлари учун бандликка кўмаклашувчи марказ томонидан шаҳардаги 36 та корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига ёзма ва оғзаки мурожаатлар қилинганди. Афсуски, улардан ҳанузгача аниқ мақсадга йўналтирилган жўяли таклифлар чиқмаяпти. Дарвоқе, ўтган йили ҳам айнан шу бўйича қилинган саъй-ҳаракатлар натижасиз қолганди. Миллий ҳунармандчилик, касаначилик ривожланиб, ишсизлик барҳам топса ва сифатли маҳсулотлар кўпроқ ишлаб чиқарилиб, истеъмол бозори яратилса, бу фаровонликни таъминлашнинг асосий омилларидан бири эмасми? Мутасадди ташкилотлар бу ҳақда ўйлаб кўришса, фойдадан холи бўлмасди.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

***Бухоро вилояти***

# Истеъмолчи ҳуқуқи қонун ҳимоясида

**_Республикамиз ички бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга "Ўзстандарт" агентлигининг жойлардаги бўлинмалари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Улар маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга, жумладан хусусий тадбиркорларга бу борада амалий ёрдам кўрсатишаётир. Жумладан, Сурхондарё вилояти синов ва сертификатлаштириш марказида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда._**



Маҳсулотларнинг сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш ҳамда сертификатлаштириш бўйича қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш тўғрисида", "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунлар шулар сирасига киради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги "Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2004 йил 22 июлдаги "Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари маҳсулотлар, кўрсатиладиган хизматларнинг ташқи ва ички бозорларда рақобатбардошлигини янада ошириш, юртимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.



– Ходимларимиз маҳсулотлар ва хизматлар сифатини кўтариш, мамлакат ички бозорини харидоргир моллар билан таъминлаш, чет эллардан сифатсиз маҳсулотлар кириб келишининг олдини олиш бўйича назорат ишларини олиб боришмоқда, – дейди Сурхондарё вилояти синов ва сертификатлаштириш маркази бошлиғи Қўчқор Аҳмедов. – Истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилиши юзасидан фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2007 йилнинг дастлабки олти ойида кўрсатилган хизматлар юзасидан 101657 минг, метрология бўйича эса 49450,4 минг сўмлик ишлар бажарилган. Сертификатлаштириш бўйича эса шу даврда 27696,9 минг сўм даромад олишга эришилди. Агентлик хизмати, сертификатларни эътироф этиш, шундай ҳужжатлар беришдан 2699 минг сўм маблағ келиб тушган.

Вазирлар Маҳкамасининг сифат менежменти тизимларини жорий қилиш бўйича тегишли қарори талаблари асосида учта корхонада шундай ишлар якунланди. Бундан ташқари, 2 та корхона билан шартнома тузилди. Сифат тизимини жорий қилиш ишларини бажаришдан тушган маблағ 7050 минг сўмни ташкил этди. Марказ 2007 йил давомида янги синов лабораторияларини ташкил қилиш, мавжудларининг ва "ўлчов воситалари устидан давлат назорати метрологик бўлими" аккредитация доираларини кенгайтириш ҳамда ускуналар ва ўлчов воситаларини харид қилишга ўз ҳисобидан 33 миллион сўм маблағ сарфлашни режалаштирган.

–Бўлимимиз корхона ва ташкилотлар ҳамда якка тартибда фаолият олиб бораётган тадбиркорлар, деҳқон бо-

## Назорат

зорларининг мавжуд ўлчаш воситаларини давлат қиёслов кўригидан ўтказиб беради, – дейди марказнинг ўлчов воситалари бўйича метрология бўлими бошлиғи Умрзоқ Шералиев. – Минтақада амалдаги йилда 43000 дона ўлчаш воситаларини қиёслаш кўригидан ўтказишни режалаштирганмиз.

Бўлим томонидан вилоятдаги барча деҳқон бозорларида 901 та паллали, 2529 та ҳар хил оғирликдаги тош-тарозилар ўз вақтида даврий қиёслов кўригидан ўтказиб келиняпти. Жумладан, Термиз марказий деҳқон бозоридаги мавжуд 313 дона тарозилар 2007 йил қиёслаш графигига асосан ўз вақтида қиёслаб берилди.

Марказнинг озиқ-овқат маҳсулотлари синов натижалари ва мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш бўлими бошлиғи Равшан Жўрамуратов тақдим этган маълумотларга қараганда, амалдаги йилнинг ўтган даврида 459 дона шундай ҳужжат берилди. 5 та ҳолатда чет давлатларнинг мувофиқлик сертификати эътироф этилган.

Шу даврда 2 та ҳолатда 3358 минг сўмлик ун, макарон маҳсулотлари сертификатлаштириш синовларидан ўта олмади ва яроқсиз эканлиги аниқланди. Маҳсулот эса қайта ишлашга жўнатилди. Сертификатлаштирилган маҳсулотлар устидан 36 та инспекцион текширувлари ўтказилди. Битта ҳолатда шундай текширув натижасига кўра мувофиқлик сертификати бекор қилинди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан тақдим қилинган материаллар бўйича синов натижаларига кўра 80029,25 минг сўмлик маҳсулотлар яроқсизлиги аниқланди. 1710 литр ўсимлик ёғи, 42,7 тонна буғдой уни, 61838,625 дал вино материал, 119,8 дал ароқ, 84,81 дал этил спирти, 6355 қути тамаки маҳсулотлари шулар жумласидандир.

Тадбиркорлар учун мутахассислар, "Ўзстандарт" агентлиги раҳбар ходимлари иштирокида семинарлар, учрашувлар ўтказилди. Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини синаш лабораторияси доимо тадбиркорлар билан гавжум. Марказ учун икки қаватли янги бино қурилди. Уни қуришга 300 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Октябрь ойининг бошларида бу ерда республика аҳамиятига молик йиғилиш ўтказиш кўзда тутилган. Ҳозир жамоа аъзолари ана шу тадбирга пухта тайёргарлик кўришаётир.

Озиқ-овқат дўконларида баъзан сифатсиз, истеъмол қилишга яроқсиз маҳсулотлар сотилаётганлигига гувоҳ бўламиз. Ана шундай вақтларда айримлар "Менга нима" деб қўл силтаб кетаверишади. Айрим корхоналарда технологик, метрологик жараёнлар етарлича назорат қилинмаслигига, яроқсиз ўлчаш воситалари борлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Аслида бундай ҳолатларни назорат қилишда фақат давлат идораларигина эмас, балки кенг жамоатчилик қатнашиши зарур. Энг аввало, истеъмолчилар ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишлари, кўрсатиладиган хизматлар сифатли бўлишини талаб қилишлари лозим. Шу туфайли истеъмолчи сифатида фикрингизни айтинг. Корхона, ташкилот, хўжалик фаолияти субъектларининг хизматлари қай даражада? Маҳсулотлардан, унинг сифатидан қониқмаяпсизми? Бу ҳақда бирон ножўя хатти-ҳаракат сезсангиз, ишонч телефонига сим қоқинг. Зеро, бозорларга сифатсиз моллар кириб келишининг олдини олиш, савдо тармоқларида стандарт талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотларни кескин камайтиришда жамоатчилик иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

– Ҳозир жамоамизда 40 нафарга яқин малакали мутахассислар фаолият кўрсатишади. Уларнинг асосий қисмини олий маълумотли ёшлар ташкил қилади, – дейди марказ бош ҳисобчиси Зафар Соатов. – Ходимларимиз мунтазам равишда моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб турилибди.

Сурхондарё вилояти синов ва сертификатлаштириш маркази жамоаси халқимизга сифатли, экологик тоза маҳсулотлар етказиб берилишига камарбаста бўлмоқда.

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

***Сурхондарё вилояти***

# Ютуқлар тиражи ўтказилди

Айни пайтда, Республикамиз депозит бозорида етакчилик қилиб келаётган Давлат-тижорат Халқ банки мижозларга 20 га яқин омонат турларини таклиф этган. Банк томонидан омонатчилар манфаатдорлигини ошириш мақсадида таклиф этилаётган депозит турлари орқали мижозларга фоиз даромадларини ҳар ойда бериш, омонат очилган куннинг ўзида фоиз даромадларини олдиндан бериш ҳамда ҳисобланган фоиз даромадларини коммунал тўловлар учун хизмат ҳақи олмасдан ўтказиб бериш каби қулайлик ва имкониятлар яратилмоқда.

Ўз навбатида, мижозларнинг талаб ва таклифлари инобатга олиниб, янги омонат турлари жорий этилиши ҳамда жамғарма ишларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган мақсадли тадбирлар натижасида Халқ банки филиаллари жорий йил ўтган даври давомида банк депозитларига қўшимча равишда 28 миллиард сўмга яқин аҳоли бўш пул маблағларини жалб қилишга эришди ва бугунги кунда банк филиалларидаги мужассамланган омонат қолдиғи 91 миллиард сўмдан ортиқ миқдорни ташкил этмоқда.

Банк раҳбарияти янги депозит турларини жорий этишда доимо изланишда бўлиб, жорий йил сентябрь ойининг ўзида пахта йиғим-теримида иштирок этаётганлар учун юқори фоизли "Пахтакор", мижозларнинг муддатли, айниқса қисқа муддатли омонат турларига бўлган қизиқишларини инобатга олиб, "Шодлик" ҳамда ёш оилаларга янада қулайликлар яратишни давом эттириб, "Ёш оила" омонат турини амалиётга татбиқ этди. Шу билан бирга, банк омонатчиларининг ютуқли омонатларга бўлган қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда ютуқли омонатларни мунтазам равишда амалиётга татбиқ этиб келмоқда.

Хусусан, жорий йил 20 сентябрда Наманган шаҳрида Халқ банкининг навбатдаги "Мустақиллик туҳфаси" ютуқли омонатининг ютуқлар тиражи бўлиб ўтди. Мазкур ютуқлар тиражи якунига кўра банкнинг 50 дан ортиқ омонатчилари белгиланган фоиз даромадларига қўшимча равишда пул ютуқлари соҳиби бўлишди, шу жумладан, банкнинг Бухоро вилоят, Вобкент филиали омонатчиси 1 миллион сўм ютуқ соҳиби бўлди. Ўз навбатида, Халқ банкининг миллионер бўлган омонатчилари сони яна биттага ортди.

**Халқ банки матбуот хизмати**

**Давлат-тижорат Халқ банкининг "Мустақиллик туҳфаси" ютуқли омонати бўйича 2007 йилнинг 20 сентябрида Наманган шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг РАСМИЙ ЖАДВАЛИ**

| Т/р | Ютуқ миқдори (сўм) | Вилоят | Филиал | Муассаса | Ҳисобварақ рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 1 000 000 | Бухоро | Вобкент | 04-шохобча | МС-5 |
| 2 | 250 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қорақалпоғистон Республикаси | 025-шохобча | МС-3 |
| 3 | 250 000 | Фарғона | Бешариқ | 06-шохобча | МС-1 |
| 4 | 200 000 | Бухоро | Олот | Амалиёт бўлими | МС-2 |
| 5 | 200 000 | Хоразм | Боғот | 04-шохобча | МС-1 |
| 6 | 100 000 | Бухоро | Қоракўл | Амалиёт бўлими | МС-52 |
| 7 | 100 000 | Самарқанд | Пайшанба | Амалиёт бўлими | МС-4 |
| 8 | 100 000 | Бухоро | Ф.Хўжаев | 37-шохобча | МС-4 |
| 9 | 50 000 | Тошкент | Тошкент шаҳар | Амалиёт бўлими | МС-24 |
| 10 | 50 000 | Тошкент | Тошкент шаҳар | Амалиёт бўлими | МС-49 |
| 11 | 50 000 | Сурхондарё | Денов | 11-шохобча | МС-1 |
| 12 | 50 000 | Бухоро | Вобкент | Амалиёт бўлими | МС-24 |
| 13 | 50 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Хўжайли | Амалиёт бўлими | МС-1 |
| 14 | 50 000 | Навоий | Навоий вилоят | Амалиёт бўлими | МС-6 |
| 15 | 50 000 | Наманган | Наманган вилоят | 090-шохобча | МС-2 |
| 16 | 25 000 | Хоразм | Гурлан | 08-шохобча | МС-1 |
| 17 | 25 000 | Фарғона | Олтиариқ | 13-шохобча | МС-1 |
| 18 | 25 000 | Самарқанд | Боғишамол | Амалиёт бўлими | МС-6 |
| 19 | 25 000 | Бухоро | Ф.Хўжаев | 058-шохобча | МС-2 |
| 20 | 25 000 | Тошкент | Тошкент шаҳар | 0101-шохобча | МС-11 |
| 21 | 25 000 | Хоразм | Ҳазорасп | Амалиёт бўлими | МС-10 |
| 22 | 25 000 | Қашқадарё | Китоб | 028-шохобча | МС-1 |
| 23 | 25 000 | Самарқанд | Пайшанба | Амалиёт бўлими | МС-5 |
| 24 | 25 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қорақалпоғистон Республикаси | 025-шохобча | МС-8 |
| 25 | 25 000 | Қашқадарё | Муборак | А.Темур минибанки | МС-4 |
| 26 | 10 000 | Самарқанд | Челак | Амалиёт бўлими | МС-29 |
| 27 | 10 000 | Бухоро | Вобкент | Амалиёт бўлими | МС-31 |
| 28 | 10 000 | Бухоро | Ф.Хўжаев | 062-шохобча | МС-8 |
| 29 | 10 000 | Хоразм | Гурлан | 05-шохобча | МС-3 |
| 30 | 10 000 | Хоразм | Қўшкўпир | Амалиёт бўлими | МС-31 |
| 31 | 10 000 | Хоразм | Хонқа | 030-шохобча | МС-3 |
| 32 | 10 000 | Тошкент | Бекобод шаҳар | Амалиёт бўлими | МС-1 |
| 33 | 10 000 | Андижон | Хўжаобод | Амалиёт бўлими | МС-1 |
| 34 | 10 000 | Наманган | Тўрақўрғон | 020-шохобча | МС-1 |
| 35 | 10 000 | Бухоро | Ф.Хўжаев | 044-шохобча | МС-5 |
| 36 | 10 000 | Қашқадарё | Шаҳрисабз | 024-шохобча | МС-4 |
| 37 | 10 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний | 020-шохобча | МС-3 |
| 38 | 10 000 | Навоий | Хатирчи | 037-шохобча | МС-1 |
| 39 | 5 000 | Самарқанд | Иштихон | Амалиёт бўлими | МС-27 |
| 40 | 5 000 | Бухоро | Қоракўл | Амалиёт бўлими | МС-22 |
| 41 | 5 000 | Наманган | Наманган вилоят | 0102-шохобча | МС-5 |
| 42 | 5 000 | Бухоро | Ф.Хўжаев | 037-шохобча | МС-1 |
| 43 | 5 000 | Фарғона | Бешариқ | 024-шохобча | МС-3 |
| 44 | 5 000 | Самарқанд | Булунғур | 01-Сайёр касса | МС-7 |
| 45 | 5 000 | Самарқанд | Булунғур | 07-Сайёр касса | МС-1 |
| 46 | 5 000 | Бухоро | Қоракўл | 030-шохобча | МС-1 |
| 47 | 5 000 | Наманган | Тўрақўрғон | 02-шохобча | МС-1 |
| 48 | 5 000 | Самарқанд | Сиёб | Амалиёт бўлими | МС-4 |
| 49 | 5 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қорақалпоғистон Республикаси | 043-шохобча | МС-4 |
| 50 | 5 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қорақалпоғистон Республикаси | 030-шохобча | МС-7 |
| 51 | 5 000 | Сурхондарё | Денов | 033-шохобча | МС-2 |
| 52 | 5 000 | Қашқадарё | Ғузор | 025-шохобча | МС-2 |

**Ҳайъат раиси – Наманган шаҳар ҳокимининг ўринбосари** **М.ТЎХТАБОЕВА**

**Масъул котиб – Халқ банки Бошқарувининг Жамғарма ишларини ривожлантириш ва қимматли қоғозлар Департаменти директор ўринбосари** **М.Ж.САИДОВ**




***2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили***

# Мулкдор шийпонида никоҳ тўйи

**_Мустақиллик даврида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан йилларга маълум бир ном берилиши одат тусини олган. Унинг шарофати туфайли ижтимоий соҳалар ривожланаяпти, ободончилик ва фаровонлигимиз таъминланаяпти. Ижтимоий ҳимоя йили ҳам ана шу анъананинг мантиқий давомидир._**

Шунга йўғрилган давлат дастуридан келиб чиқиб, кам таъминланган оилаларга алоҳида эътибор берилаяпти. Айни пайтда савоб ишга тадбиркорлар, ишбилармонлар ва фермерлар ўзларининг катта ҳиссаларини қўшишмоқда.

Оққўрғон туманидаги "Покиза-М" фермер хўжалиги раҳбари Абдумалик Каримов ҳам истиқлол яратган имкониятлар туфайли мулкдор бўлиб, ҳам ўзига, ҳам ён-атрофдагиларга наф келтиришнинг ҳадисини олганлардан: ҳар йили ғалла, пилла ва пахта сотиш шартнома шартларини ортиғи билан уддалайди. У Мустақилликнинг 16 йиллик тўйи арафасида Юртбошимиз Фармонларига кўра "Дўстлик" ордени билан мукофотланди.

Мулкдор ишлаб чиқариш салмоғини ошириб кам бўлмаяпти. Ҳисобида миллионлаб маблағи бор: унинг бир қисмига янги техникалар сотиб олаяпти, асосийсини ижтимоий масалаларни ҳал этишга, кам таъминланганларни қўллаб-қувватлашга сарфламоқда. Масалан, жорий йилда ана шу йўналишлар бўйича 19 миллион сўм маблағ сарфланди.

Яқинда у яна бир савоб ишга бош қўшди. Жамоасида меҳнат қилаётган кўп болали ва кам даромадли оила фарзандининг никоҳ тўйини ўтказиб берди. Қувонарлиси, тўй баҳонаси билан йиғим-терим арафасида фермер хўжалигида меҳнат қилаётган 100 нафарга яқин ишчиларнинг барчасига қимматбаҳо совға ва пул мукофотлари берилди.

Ҳар йили долзарб мавсум бошланиши олдидан саховатли фермер уюштираётган анъананинг самараси ҳам ўзгача: кузги дон экиш муддатида уддаланади. Пахта йиғим-терими 15 иш кунида сифатли саранжомланади. Чунки ишчиларда иштиёқ баланд, ишлаб чиқаришга муносабат ўзгарган ва энг муҳими, йил якунидан улар манфаатдор.

**Раимкул СУЯРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

***Тошкент вилояти***

